

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги “XB FINANCE KONSULTING” аудиторлик ташкилотининг аудитори Тожибоев Обиджон Тўхтасинович (Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги томонидан 2009 йил 22 октябр куни берилган № 04761-сонли «Аудитор малака сертификати»га эга) аудиторлик ташкилоти билан «Qashqadaryo hududiy elektr tarmoqlari» акциядорлик жамияти ўртасида 11 октябр 2020 йилда тузилган № 70/05-20 сонли шартномага асосан «Qashqadaryo hududiy elektr tarmoqlari» акциядорлик жамиятининг 01.01.2020 йилдан 31.12.2020 йилгача бўлган даври учун тузилган – «Бухгалтерия баланси» – форма № 1, - «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» – форма № 2, «Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот» Форма № 4, «Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот» Форма № 5 шаклларида иборат молиявий ҳисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

### **Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги**

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

### **Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Qashqadaryo hududiy elektr tarmoqlari» акциядорлик жамияти илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

### **Ижобий фикр**

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «Qashqadaryo hududiy elektr tarmoqlari» акциядорлик жамиятининг 2020 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари

М.С.Рўзимов.

Аудитор

О.Т.Тожибоев.

Хулоса тузилган сана: « 30 » апрель 2021 й. м.у.

